ЎзССР Давлат китоб палатаси

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 13 август, чоршанба • № 64 (10.942) • Эркин нархда сотилади

*Республика Олий Мажлиси сессияси олдидан*

## МАСАЛАЛАР МУҲИМ, ИСТАКЛАР БОР

***ҲАР сафар халқимиз манфаати йўлида муҳим ва жамиятимиз равнақи учун долзарб масалаларни муҳокама этиб келаётган республика Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясига саноқли кунлар қолди. Халқ депутатлари бу анжуманда ҳам қатор масалалар билан бирга, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур», «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастур лойиҳаси тўғрисида» каби катта аҳамият касб этувчи муаммолар хусусида фикр юритадилар.***

Нима учун айни шу масалалар сессия кун тартибига қўйилди? Шунинг учунки, уларни давр тақозо этмоқда. Эндиликда «эскича дунёқараш», «эскича билим ва тажриба» билан янги ҳуқуқий давлат қуриб бўлмаслиги фаолиятимиз мобайнида равшанлашди. Чунки, бозор иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий йўналишдаги талаблари мутлақо ўзгача. Шу боис ҳам бугунги кун руҳини чуқур тушунадиган, бозор муносабатлари хусусиятларини мукаммал биладиган, янгича фикрлаб, янги ғояларни рўёбга чиқара оладиган кадрларгина Ўзбекистонни буюк келажак сари бошлаши, шубҳасиз.

Буни юртбошимиз такрор-такрор таъкидлаб келмоқдалар. Кадрлар тайёрлашнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб бермоқдалар. Хусусан, халқ таълими, олий таълим тизими олдига қўйилган вазифалар шундан далолат бериб турипти. Ҳар икки тизимда ҳам ўқитувчиларнинг ўзларини қайта тайёрлаш, айниқса, олий таълим таркибини бутунлай ўзгартириш зарурлиги қайд этилди. Бу чиндан ҳам тўғри йўлдир. Шу муносабат билан сессия кун тартибига «Таълим тўғрисидаги қонун лойиҳаси» ҳам киритилганлиги айни муддао бўлди. Жойларда бу лойиҳа халқ муҳокамасидан ўтмоқда. Унда сўзга чиқаётганлар таълим тўғрисидаги миллий дастурда аждодларимиз маънавий меросига алоҳида ёндошиш, ёшларни тарбиялашда буюк алломаларимиз қўллаган тажрибаларни тарғиб қилиш, болалар қобилиятини ўстириб борадиган омилларга кўпроқ ўрин бериш каби таклифлар билан чиқмоқдалар. Мусиқа дарсларида ўқувчиларни мумтоз қўшиқларга ҳурмат руҳида тарбиялашга аҳамият каратилиши керак, ҳуқуқий тарбияни, ҳатто, мактабдан эмас, боғчадан бошлаш зарур, деган истакларни ҳам баён қилмоқдалар.

Кейинги пайтда матбуотда, радио, телевидениеда одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлари лозимлиги, Президент бу борада катта ғамхўрлик кўрсатаётгани тўғрисида кўп айтилмоқда. Бу бежиз эмас. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти юқори бўлсагина ўша жамиятда ислоҳотлар жадал ривож топади. Айни пайтда ҳуқуқий билим бизга ўз ҳақ-ҳуқуқимизни билиш учунгина зарур бўлмай, дунёга танган олган мамлакатимизнинг халқаро муносабатлари учун ҳам зарурдир.

Шу мақсадда республикамизда инсон ҳуқуқ ва бурчлари билан боғлиқ қатор марказлар вужудга келди. Адлия вазирлиги ҳузурида жамоатчилик асосида ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази фаолият кўрсата бошлади, вилоятлар, туманларда унинг бўлимлари ташкил этилмоқда. Бу марказларнинг иши аҳоли орасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, фармонлар, қарорлар моҳиятини тушунтириш, ҳуқуқий адабиётларни кенг ёйишдан иборат бўлади.

Сессияда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий-дастури қабул қилингач, мамлакатимизда мавжуд бўлган ҳуқуқий таълим ва тарбияга оид ҳужжатларни ўрганиб чиқиш, уларни янада такомиллаштириш билан шуғулланилади. Янги дастурга кўра ҳуқуқий савод-хонликни ошириш, тарғиботни йўлга қўйиш учун низомлар ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Миллий дастурда юридик адабиётларни чоп этиш ва уларни аҳолига етказиш масалалари ҳам акс этиши, табиий. Аслини олганда бу тадбирлар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг ўзагини ташкил қилади.

Кўриниб турибдики, сессия кун тартибига киритилган масалалар ўта долзарб, айни ҳаётийдир. Республика фуқаролари сифатида улар юзасидан истак ва мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

Биз юртбошимизнинг бундан буён кадрлар тайёрлашга мутлақо янгича ёндашув керак, деган талаби тарафдоримиз. Баркамол, истеъдодли раҳбарларни шакллантиришда уларнинг ташкилотчилиги, ишлайдиган соҳадан хабардорлиги назарда тутилиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Собиқ иттифоқ пайтида бунга эътибор қилинмади. Муҳандис мафкура соҳасига, адабиётшунос саноат корхоналарига раҳбарликка жалб этилган ҳоллар кўп бўлди. Раҳбар ўз ўрнида бўлмас экан, у ихтисослигини мукаммал билиб, кишилар қалбига йўл топмас экан, ишда унум бўлмайди.

Кейинги йиллар ичида кадрлар ўқувини ташкил этиш, малакасини оширишга юзаки муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам учраяпти. Хўжа кўрсинга ўтадиган ўқув курсларидан ҳеч кимга наф йўқ. Шу боис миллий дастур лойиҳасини тасдиқлашда депутатлар камчиликларимиз ҳақида очиқ-ойдин гапирсалар, ҳаммасида бўлмаса ҳам, айрим олий ўқув юртларида, ҳатто, кейинги йиллар ичида мактабларда таъмагирликка йўл қўйилаётган ҳолларни очиб ташласалар яхши бўларди. Таълим соҳасида холислик, поклик, энг зарурий инсоний ҳислатлардир. Бу фазилатлар талаба қалбига мухрланиб қолсагина, биз кутган самарани беради.

Ҳуқуқий билим ва маданиятни ошириш дастурини муҳокама этишда сессия иштирокчилари эътибори юридик адабиётларнинг оммабоп бўлиши, арзон нархда сотилиши, айниқса, мактаб ўқувчиларига мўлжалланган қўлланмаларга эътибор қаратилиши лозим. Яширишнинг ҳожати йўқ, кейинги йиллар ичида оилаларда газета-журналлар ўқиш, нарх баландлаб кетганлиги боис китоблар мутолаа қилиш кескин камайди. Юридик билимни оммага етказишда эса газеталарнинг аҳамияти катталигини ҳаммамиз тушунамиз. Депутатларимиз бу борада жиддийроқ ўйлаб кўришса, деган фикрдамиз. Ҳуқуқий билимларни ўрганиш давлат сиёсати миқёсида қўйилаётган экан, улардан омма бахраманд бўлиши учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишимиз керак.

***М. ФАЙЗИЕВ,***
***юридик фанлар доктори, профессор.***
***О. АЗИМОВ,***
***юридик фанлар номзоди.***

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги олдидан

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги арафасида республика пахта тозалаш саноати тизимига яна бир янги корхона қўшилди. Янгийўлдаги «Эски қовунчи» жамоа хўжалиги ҳудудида барпо этилган бу завод Марказий Осиёда ўхшаши йўқ корхонадир. Завод ишлаб чиқариш цехларида маҳаллий ускуналар билан бирга АҚШнинг «Арма» фирмаси етказиб берган замонавий ва ғоят серунум ускуналар ҳам ўрнатилган. Янги технология тола ишлаб чиқариш миқдорини оширибгина қолмай, электр қувватидан фойдаланишни икки баравар ҳамда ҳавога чиқадиган чанг ва ғуборларни 2,4 марта камайтириш имконини беради.

15 гектар майдонга жойлашган корхонанинг ишлаб чиқариш цехлари ва пахта ғарамланадиган майдонларига келтирилган хом ашёни маҳтал қилиб қўймай тез қабул қилиш ва қайта ишлаш учун барча технологик ўнғайликлар яратилган. Завод пахта тайёрлаш мавсумининг дастлабки куниданоқ янги ҳосилни қабул қилиб, уни қайта ишлашга киришади. Корхона қишлоқ аҳолисидан 200 кишини доимий иш билан таъминлайди.

Яқинда республика пахта саноати ходимларининг семинар-кенгаши иштирокчилари янги заводга келиб, унинг иши билан танишдилар.

*Ислоҳот одимлари*

## ЎХШАШИ ЙЎҚ ЯНГИ КОРХОНА





***СУРАТЛАРДА: семинар иштирокчилари ишлаб чиқариш технологияси билан танишмоқдалар; корхонанинг линт цехида оператор Азиза Тўлаганова иш устида; конвейердан тушган биринчи той пахта;***

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

## КУН ТАРТИБИДА — ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

***МАМЛАКАТИМИЗДА мустақилликка эришилган биринчи кунданоқ ёшлар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиб келинмоқда. Уларга чуқур билим бериш, етук мутахассис-ходимлар қилиб вояга етказиш, айни вақтда болаларнинг тарбияси билан жиддий шуғулланиш, соғлиғини муҳофаза қилиш биринчи галдаги устувор масалалар қилиб қўйилди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш юзасидан қатор қонун, қарор ва ҳужжатлар қабул қилинди. Хўш, жойларда улар қандай бажарилмоқда? Маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идоралар вояга етмаганлар билан ишлаш масаласига етарли эътибор беряптиларми?***

Куни кеча Юқоричирчиқ туманидаги «Ийк ота» жамоа хўжалигининг маданият саройида бўлиб ўтган вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида ана шу масалалар чуқур муҳокама этилди.

Кенгаш йиғилишида кенгаш аъзолари, вилоят бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг муовинлари, прокурорлар, халқ судлари раислари, ички ишлар бўлимлари ва улар қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш нозирликлари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг раислари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими, «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят прокурори, мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси О. Холматов маъруза қилди.

Маърузачи ва йиғилишда сўзга чиққан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини Э. Эркаев, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи А. Содиқов, Бекобод шаҳар ҳокими Ж. Насриддинов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини Т. Аҳмедов, Чиноз тумани прокурори А. Мамадалиев, Қибрай тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини М. Хаитов ва бошқалар ушбу масаланинг ғоят муҳимлиги тўғрисида тўхталиб, бу борада йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни ҳам рўй-рост айтдилар. Айни вақтда ёшлар ўртасида ҳуқуқий, ғоявий-сиёсий, маънавий, жисмоний тарбияни кучайтириш, уларни меҳнатга жалб этиш, ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятчиликнинг олдини олиш билан боғлиқ ишларни кучайтириш, бу борада маҳаллий ҳокимликлар, бўлим, бошқармалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари ва оилаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини жонлантириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

Йиғилишда вилоят хотинқизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг муовини С. Хўжаева сўзга чиқди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ДАЛА МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲУЗУРИДА

***ТОШКЕНТ тумани маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг жойларда махсус хоналари ташкил этилмоқда.***

Ҳозир ана шундай жойларда 150 нафар киши фаолият кўрсатаётир. Улар маҳаллалар, бевосита дала меҳнаткашлари ҳузурида бўлишиб, суҳбатлар ўтказмоқдалар. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби юзасидан мулоқотлар уюштиряптилар.

***Вали ХЎЖАЕВ.***

### ЗИЁ ТАРҚАТГАН КАМ БЎЛМАС

***ОЛМАЗОР қўрғонида ёшларни ҳам, кексаларни ҳам ўз бағрига чорлаб турадиган бир маскан бор. Бу — ходимлари аҳолига жон-дили билан хизмат кўрсатаётган кутубхонадир. Китобхонларнинг маънавияти ва тафаккурини юксалтириш, дунёқараши ва билим доирасини кенгайтиришда ушбу зиё масканининг ўрни ўзгача.***

Кутубхона ўтган йили «Маънавият — келажак пойдевори» танловида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлганди. Ҳозир унинг жавонларида китоблар сони тобора кўпайиб, китобхонлар эса 1600 нафардан ошиб кетди.

Кутубхона мудираси Турсуной Расулова, ходимлардан Жанна Зарубина, Дилбар Бобобековалар тез-тез маҳаллаларда бўлишади, учрашувлар ўтказишади. Ўз мухлисларини адабиёт ва санъат борасидаги янгиликлар, мамлакатда рўй бераётган туб ўзгаришлар билан таништирадилар.

***Матлуба МАҲМУДХЎЖАЕВА,***
***Чиноз тумани.***

### ОЗОДАЛИККА НИМА ЕТСИН

***РЕСПУБЛИКА мустақиллигининг олти йиллик байрами арафасида Олмалиқ шаҳрида бир йилдан бери давом этиб келаётган «Озодалик» танлови ниҳоясига етди. Шаҳардаги барча корхоналар, ўқув юртлари ва маҳаллалар унда фаол қатнашдилар.***

Аҳоли ҳашарларда иштирок этиб, шанбалик ва якшанбаликларда ўзлари истиқомат қилаётган ҳовли-жойларнигина эмас, шунингдек, кўча ва майдонларни ҳам супуриб-тозаладилар, хиёбонларни, дарахтзорларни саранжом-саришта қилдилар. Аҳолининг ўз жонажон шаҳрини озода сақлаш учун жон куйдираётганлиги сабабли Олмалиқ шаҳри анча ёшаргандек бўлди.

Куни кеча «Озодалик» танлови ғолиблари аниқланди. «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси биринчи ўрин ҳамда 5 минг сўмлик мукофотга, «Тафтинг» ҳиссадорлик жамияти иккинчи ўрин ва 3 минг сўмлик мукофотга, «Қамбарали» хусусий кичик корхонаси эса учинчи ўрин ва минг сўмлик совринга сазовор бўлдилар. Шунингдек, шаҳардаги бир неча маҳалла ва ўқув юртларига ҳам мукофотлар берилди. Олмалиқликлар «Озодалик» тадбирини давом эттиришга қарор қилдилар.

***Раҳим ҚОДИРОВ.***

### МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРИЛДИ

***ЭЛ манфаати йўлида фидокорлик билан меҳнат қилган жамоа эътиборсиз қолмас экан. «Тошвилюктранс» концерни раҳбарияти бу йилги ғалла ўрим-йиғими ишларини таҳлил этди.***

Энг қизғин кунларда сидқидиллик кўрсатган Оққўрғон туманидаги 46-, Қуйичирчиқ туманидаги 81-, Пскент туманидаги 82-, Юқоричирчиқ туманидаги 121-автокорхоналар, Бекобод шаҳридаги «Сарбон» ҳиссадорлик жамияти ва Янгийўл шаҳридаги 2503 автожамлама жамоаларига мавсумдаги уюшқоқликлари ва юксак унумдорликни таъминлаганликлари учун самимий миннатдорчилик билдирилди.

Мазкур автокорхоналар ташаббускорлиги туфайли вилоят ғаллазорларида бу йил режалаштирилган 150 ўрнига 600 та юк машинаси ишлади.

***Саид ВАЛИЕВ.***

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг олти йиллигига*

# ИСТИҚЛОЛНИНГ МАЪРИФАТ ЙЎЛИ

***ИСТИҚЛОЛ йиллари моҳият ва мазмун жиҳатидан бағоят фаҳрлидир. Президентимиз Ислом Каримов истиқлол даврини ўз асарларида теран таҳлил этиб берди. Бу асарлар давримизнинг энг долзарб муаммолари ечимини беради, янги тараққиёт уфқларини очади. Шунингдек истиқлол моҳиятини янада чуқурроқ идрок этишимизга кўмак беради: «Биз истиқлол шарофати билан кўп қадриятларни — иймонимизни, миллий ғуруримизни, озодликни, бир сўз билан айтганда, парвардигорни қайтадан чинакамига танидик. Эндиги вазифа — боболаримизнинг поймол этилган орзу-умидлари ҳаққи, авлодларимизга, сизу бизнинг фарзандларимизга бутун дунё билан теппа-тенг бўйлашадиган буюк Ўзбекистонни мерос қилиб қолдирмоқдир». Ҳа, бу мушкул, аммо, муқаддас вазифа ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун Ватан истиқлоли, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий заминини янада мустаҳкамламоқ зарур. Бу олий мақсадни маънавий дунёси бой, маърифатли, Ватан, Эл-юрт манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўядиган, ғайрат, шуур ва илҳом, тўла фидокор комил инсонлар амалга оширадилар.***

Маънавиятда бош ўрин тутган омиллар комил инсонга хос фазилатлардан иборат. Фазилатларнинг энг муҳимларидан бири маърифатлийликдир. Маърифат — инсон ҳаётининг асоси. Маърифат одамни одам қилади, маърифатсизлик одамийлик даражасидан чиқариши муқаррар. Маърифатнинг асоси сўзсиз илмдир. Муқаддас Қуръони Каримда илмли зотлар улуғланади: «Аллоҳ таоло сизлардек имон келтирганларни ва илмли бўлганларнинг даражасини кўтаради». («Мужодала» сураси, 11-оят). Зеро Аллоҳ ўзининг ягоналигига ҳам илмлиларни гувоҳ қилган: «Аллоҳ албатта унинг ўзи ягона илоҳ, ундан бошқа ибодатга сазовор зот йўқлигига шоҳидлик беради. Шунингдек, фаришталар ва илм эгалари ҳам бу нарсага адолат билан шоҳидлик берадилар» («Оли Имрон» сураси, 18-оят). Бу оят илмли инсонларга бўлган ҳурматнинг энг юксак кўринишидир. Зеро, унда парвардигор илмли кишиларнинг шоҳидлигини ўз фаришталарининг шоҳидлиги билан тенглаштиради. Бу эса илмлиларнинг иззати Яратганнинг ҳузурида нақадар юқори эканлигини кўрсатади.

Бизгача етиб келган тарихий ёзма манбаларда ҳам юртни идора қилиш, уни ташқи душманлардан ҳимоя этиш ва эл эркини таъминлашда билимга алоҳида урғу берилган: «Тўнюқуқ битиги»да шундай сўзлар бор: «Турк халқи ерида бирорта ҳам уруғ қолмади. Ичкарию ташқарида қолгани тўпланиб етти юзта бўлди, икки қисми отлиқ, бир қисми яёв эди. Етти юз кишини уюштирадиган бошлиғи шод эди. Унвон ол, деди. Унвон оладиган мен эдим — Билга Тўнюқуқ Ҳоқонни ҳам қўлга олайин дедим, сўнгра ўйладим!... Тангри билим бергани учун фақат ўзим ҳоқонни қўлга олдим».. Айни пайтда «Қул тигин» битигида илмсизлик эл, юрт устига кулфат келтириши айтилади: «Илмсиз киши у сўзга ишониб, унга яқинлашиб кўп киши ўлди»...

Буюк бобокалонимиз Юсуф Хос Хожиб маърифат, билимнинг қудратини алоҳида ифтихор, кўтаринки руҳ билан тасвирлайди. Ўгдулмиш вазир бўлган пайтда мамлакатда юз берган ижобий ўзгаришлар: Эл-юрт фаровонлиги, халқнинг зулму-ситамлардан фориғ бўлишини Ўгдулмишдаги билимдонлик билан боғлайди: (қайд — Б. Тўхлиев).

***Бу йанглик асиғлар билигдин келир,***
***Уқўшлуғ, билиглиг, силигдин келир.***
***Мазмуни:***
***Бу янглик наф — манфаатлар билим туфайли келади,***
***Заковатли, билимли,***
***фазилатли кишидан келади.***

Далиллардан шундай хулосага келмоқ мумкинки, барча даврларда ҳам халқ осойишталиги-ю, мамлакат фаровонлигида маърифатнинг ўрнига алоҳида эътибор қилинган. Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Маърифат масаласига алоҳида эътибор қаратаётганлиги ўта ибратлидир. Юртбошимизнинг қуйидаги фикрлари маърифат ва илм аҳлига бўлган юксак ишончнинг бир кўринишидир:

> **«Масъул паллада ўз тақдирини ишончли, билимли ва ғайратли шахсларга топшира олмаган миллат ўз бахтига зомин, келажакдан маҳрум бўлади. Ва аксинча, келажаги буюк бўлишини истаган миллат ўз тақдирини улуғ мақсадга эга, олийжаноб, қатъиятли, маърифатли инсонларга ишонч билдириб топширган ҳолдагина ўз муродига етади... Маърифатдан йироқ амалдор ҳеч қачон халқ дилидагини англашга қодир бўлмайди».**

Шуни алоҳида эътироф қилмоқ керакки, миллатнинг ёрқин истиқболи, унинг маърифат ва маънавий кўтарилиши миллий қадриятларга қанчалик қайтишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Фақат миллий ўзига хосликкина миллатни юксалтириши жаҳон халқларининг бой тарихидан маълум.

Шу маънода истиқлолнинг дастлабки йилларданоқ янги жамиятнинг энг асосий йўналишларидан бири сифатида халқимиз тарихини, маънавий қадриятларимизни тиклаш вазифаси қўйилганлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Ўтган муддат ичида мустабид сиёсат даврида инкор этилган тарихимиз, маънавий-маърифий ўтмишимизни ўрганишда улкан ишлар қилинди.

> **Истиқлол йилларида олиб борилган зиёбахш сиёсат боис исломий илмнинг даҳолари буюк бобокалонларимиз — Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф ар-Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фагнавий, Хожа Али Рометаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Мир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд, имом Ал-Бухорий, имом Ат-Термизий, Ҳаким Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий сингарларнинг муқаддас номлари яна дилимиздан жой ола бошлади.**

Бу улуғ зотлар қаламига мансуб қатор асарлар забардаст олимларимизнинг бетакрор, заҳматли меҳнатлари эвазига таржима этилиб нашрлардан чиқарилди. Президентимиз раҳнамолигида Баҳоуддин Нақшбанд, имом Ат-Термизий зиёратгоҳида амалга оширилган ишлардан бугун бутун ислом олами миннатдорлар. Юртбошимизнинг махсус фармони билан ҳозирда тарихимиз қайтадан ёзилмоқда. Ҳа, ота-боболаримиз яратган маърифат ва маънавият гавҳарлари келгусида ўз эгаларини яна қайтадан топиб, халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлигига айланишига ҳеч шубҳа йўқ.

Бундай улкан ўзгаришларда бир қатор («Тафаккур», «Тошкент ҳақиқати», «Маърифат», «Ишонч», «Қалб кўзи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Туркистон», «Оила ва жамият»...) матбуот нашрларининг алоҳида ўрни бор.

Муаллифлар ўзбекона урф-одатларнинг ўта нозикларигача юксак савия билан қаламга олаётганлиги қувонарли. Таассуфки, баъзи давр руҳига, тарғиб-ташвиқнинг замонавий, ҳаётийлик мазмунига зид ҳолатда айрим фикр, мақолалар ҳам эълон қилинмоқдаким, бундан кўз юммоқлик ўз оёғимизга ўзимиз болта уришдан бўлак гап эмас. Шу маънода айрим мисоллар: Ҳазрати Соҳибқирон юбилейи кунлари Ўзбекистон ойнаи жаҳонидаги бир кўрсатув «Амир Темир — етти иқлим ҳукмдори» деб номланганди. Кўрсатув шу номда бир неча бор эфирга узатилди.

Энг нуфузли рўзномалардан бирида Ҳазрат Амир Темур мавзусига оид «Етти иқлим ҳукмдори» деб катта сарлавҳа қўйилган. Айни пайтда шу номда рус тилида китоб ҳам босмадан чиқарилди. Академик Бўрибой Аҳмедов таъбири билан айтганда булар муболаға-ку! Наҳот, ҳар бир ҳарфнинг этагини кўтариб кўрадиган теран фикрли қаламкашлар нигоҳи шунга тушмади. Афсуски матбуотимизда бундай ғайриилмий қарашларга қарши фикр ва мақолалар ўз вақтида юритилмади.

Халқ маърифати ва маънавиятининг ёрқин ойнаси бўлмиш халқ оғзаки ижодининг оммавий ташвиқотига нисбатан муносабатимиз ҳам кемтиклардан ҳоли эмас. Мана бир қайд:

***Осмондаги юлдузни айтган отам, ёр-ёр,***
***Уз қизини бировга сотган отам, ёр-ёр,***
***Уз қизини ўрнига бодом эксин, ёр-ёр,***
***Бодом шохи қайрилса болам десин, ёр-ёр.***

Нақадар мунгли қўшиқ. Бу ҳасрат туйғулари ўтмиш жаҳолатининг ботқоғига ботган ота-оналарнинг хоҳишлари қурбони сифатида гўзал умидлари чилпарчин бўлган қизнинг изтироби. Байтларда кимсага мажбуран узатилган (сотилган), хўрлик гирдобига чўккан ёш қизнинг фарёди-ю, асл юрак сўзларига ҳеч бир кимса қулоқ солмаётганлиги дард билан куйланмоқда. Айни пайтда қўшиқда яна бир ўта нозик туркона туйғу бор. Бу хўрланган қизнинг ҳар қандай изтиробли шароитда ҳам отага нисбатан, унинг шахсиятига оғир ботадиган сўз айтмаслигидир. Фақат фарзанд соғинчи, меҳри бари-бир оғир, тугалмас руҳий дард сифатида отанинг қийноққа солишини ифода қилмоқда. Ихтиёрийми, йўқми, бундан қатъий назар ота-она ўз ишлари учун азият чекишлари табиий. Ҳа, албатта, қўшиқнинг биз учун тарихий қиммати беқиёс. Лекин мазмунига кўра, ҳозирги тўй маросимининг моҳияти билан уйғунлашган эмас. Мисралардаги нозик мазмун бевосита аниқ воқелик, аёллар эрксизлиги билан шартланган бўлиб, у кўпроқ ўтмишдаги никоҳ тўйларининг мазмунига мос тушади.

Бугунги кунда қизларнинг истак ва хоҳишларига ота-оналар эътибор қилмоқдалар. Натижада куёв ва келиннинг ихтиёрий ҳолда турмуш қуриши таъминландики, бу ҳолат қувноқ қўшиқлар билан уйғунлашса тўй руҳига мос тушади. Биз айтмоқчи бўлган асосий фикр аслида булар эмас. Энг таассуфлиси мустабид тузум даврида ота-боболаримизнинг маърифий-маънавий дунёсига деярли ноодилона руҳда бир томонлама ёндашилди. Яъни халқнинг дунёқарашларини ўзида ифода этувчи қўшиқ ва анъаналар ўтмишда аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида тўпланган, турмуш ва ҳаёт синовидан ўтган аҳлоқий мезонлар эканлиги атайлаб тан олинмади.

Қадимда бутун жаҳон донишмандларини ҳайратга солиб келаётган Шарқ аёлининг ҳаё ва латофатининг рамзи бўлган, инсонни аҳлоқий ва маънавий баркамол қилишга хизмат этадиган ижодиётнинг бетакрор, мумтоз намуналари имкон қадар кўздан йироқ тутилди. Бундай сохта, ғайримаърифий ва ғайримаънавий ҳукмномалар мақсад сенинг ўтмишинг ҳасрату-жафолардан, маърифатсизликдангина иборат деган асоссиз ғояни халқ онгига сингдириш эди. Бундай сиёсатдан мақсад одамларни ўз ўтмишидан ҳазар қилишга эришиш, ўз тарихини ўрганишдан воз кечишликка ундаш эди. Чунки, халқ қанчалик авом бўлса, шунчалик муте бўлиши аён. Ўз тарихининг нурли саҳифаларини мукаммал билмаган, ундан илмий ғурур туйғусини кўнглига тугиб олмаган миллатнинг келажаги бўлмайди.

Халқнинг маърифий-маънавий тубанлашуви ҳар қандай жамиятда ҳар доим иқтисодий, ижтимоий-сиёсий инқирозининг бошланғич нуқтаси бўлган. Бундан икки минг йил муқаддам бир хитойлик ўз подшосини огоҳ қилган экан: «Шоҳим, бирор мамлакатни босиб олмоқчи бўлсангиз аввало унинг маданиятини барбод этинг. Агар маърифат ва маънавият заиф бўлса, кишиларда ватанпарварлик, миллатпарварлик, ҳамдардлик ва ҳамжиҳатлик, миллий ғурурни англаш сингари олий ҳикмат инсоний хислатлар ҳам йўқ бўлиб кетади. Маърифий-маънавий қолоқлик ҳукмрон бўлган юртни босиб олиш, халқни итоатли қулларга айлантириш ҳам қийин кечмайди». Одамзод тарихининг ҳамма даврларида ҳам бирор мамлакатни босиб олган кучлар ўзига тобе бўлган халқларнинг маърифий юксалишларига доимо тўсқинлик қилиб келганлар. Негаки, улар маърифий-маънавий камолоти юксалган халқларда мустақиллик учун кураш кучайишини жуда яхши билганлар.

Чор ҳукумати ва қизил империя даврида мустамлака халқлар ва мамлакатларга нисбатан олиб борилган сиёсат бунинг яққол исботидир.

> **Президентимиз турғунлик даври тўғрисида тўхталар экан шундай деди: «Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, тилимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар... — Каъба деб қаерга сиғинардик?»...**

Энди истиқлолнинг ўзига хос хусусиятларидан бири миллатнинг ўзлигини англашидир. Қандай гўзал ва маърифий юрт фарзанди эканлигимизни тугал англаш фурсати етди. Бунинг учун эса сўзсиз ўтмишни теран идрок қилмоғимиз керак.

Аждодларимиз ақл-заковатининг маҳсули бўлган улкан маърифий-маънавий меросимиз асрлар давомида бутун дунё аҳлини ҳайратлантириб келмоқда. Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистонга бир неча бор саёҳат қилган таниқли венециялик сайёҳ Марко Поло «Нур Шарқдан таралди» деб ёзганди.

Жаҳонда ҳаққоний равишда тан олинган Шарқ уйғониш даврини!.. Шу нарса маълумки, ҳар қандай буюк юксалиш, айниқса уйғониш даври маданиятининг юзага келиши ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ўша халқ асрлар давомида таркиб топган маълум зарурий маданий асосга эга бўлиши керак. Узоқ ва узлуксиз маърифий-маънавий ривожланиш тарихига эга бўлган қадимги миллатлардагина ана шундай асос бўлиши мумкин. Туркийлар, хусусан, ўзбеклар шак-шубҳасиз ўтмиши юксак миллатлардандир. Истиқлол даврнинг маърифий сиёсати тарихнинг қора доғларини эмас, аксинча, ёшларимиз онгида ўтмишдан ғурурланиш туйғусининг шаклланишига хизмат қиладиган нурли саҳифаларни адолатли ўрганиш ва ташвиқ этишни кун тартибига кескин қўймоқда. Аслида эса тарихни кўр-кўрона бузиб тасвирлаш маънавий қашшоқликдир. Қадимги Римда ўтмишни нотўғри ўрганиш қалбаки пул ясаш даражасидаги жиноят билан тенглаштирилган. Тарихни сохталаштирган кимсалар ўлимга маҳкум этилган. Демак, маърифий изланишлар асосий вакиллари бўлмиш зиёлилар, хусусан илм аҳлидан жуда юксак масъулият талаб қилинади. Ғоялар, фикрларгагина эмас, теран идрок билан ёзмоқ ва айтмоғимиз лозим.

Зеро, маърифат аҳли Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг «Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир» деган муборак ҳадисларида сидқидилдан масъулликни сезмоқлари лозим. Қуръонда илмлилар янада улуғланади: «Айтгин, илмлилар билан илмсизлар тенг бўла оладиларми, албатта, бу ҳақда фақат ақлли кишиларгина эслайдилар». («Зумар» сураси, 9-оят). Бас, шундай экан мамлакатдаги маърифий ишлар ривожи зиёлиларнинг фаолияти-ю фидойиликларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бинобарин, маърифатли инсон ҳамиша зиё таратувчи ва айни пайтда ҳамиша нур изловчидир.

Маърифатсиз инсонлардан ноинсоний туйғуларга мойиллик кучли бўлади. Уларнинг ҳаётий фалсафаси қорин тўқлиги, ҳовою-лаззат, чўнтакларни пулга тўлдиришдан иборатдир. Буюк француз адиби Мухтисно шундай деган эди: «Ҳашаматчилик республикачиликнинг икки турига ҳам фасодни келтиради. Демократчиларда кишиларнинг ватанпарварлик руҳини кетказади. Аристократларда эса, обрўли кишиларни шахсий манфаатлари ортидан юришга мажбур қилади».

> **Шу билан барча офатга учрайди. Маърифатсиз кимсалар ўзинигина эмас, балки жамият, унинг барча аъзосини ҳам фалокатга учратади. Юртбошимиз уқтирганидек, «Маърифатсиз раҳбар ҳамиша ўз теварагида маърифатсиз раҳбарларни йиғиш билан машғул бўлади. Чунки, унинг ягона мақсади ўз амалини мустаҳкамлашдан иборат бўлиб қолади. Шу сабабдан ҳам у ғайратли, фидойи, маърифатли кишиларни ҳокимиятга яқинлаштирмасликка тиришади, уларни бадном қилади, ютуғидан қаттиқ азобланади».**

Муқаддас Қуръони Каримда бу фикрлар алоҳида эътироф этилган: «Шундай қилиб Аллоҳ илмсизларнинг қалбини беркитиб қўяди». («Рум» сураси, 59-оят). Демак, мол-дунё ҳам маънавият ва маърифат билан уйғунлашгандагина инсон камолотига хизмат қилади. Аммо, одам боласи ҳамиша мол-дунё олдида заиф: «Албатта инсон бойлик орттирса ҳаддидан ошади». («Алақ» сураси, 6-оят). Бас, шундай экан маънавий-маърифий ишларнинг такомилисиз нурли келажак ҳақидаги ширин ўйларнинг ҳаммаси эртакдан бўлак нарса эмас.

Таассуфки, маънавият ва маърифат барча даврларда ҳам мавжуд бўлган, у бугуннинг кашфиёти эмас, деган тушунчалар билан маънавият ва маърифатга иккинчи даражали иш сифатида қаровчилар ҳам бор. Шу ўринда тарихга теран идрок билан назар солайлик-а... Жумладан, одам боласи ақл билан безанибдиким, адолат тўғрисида сўзлайди. Буюк бобокалонимиз Юсуф Хос Хожиб XI асрдаёқ «Адолат сув кабидир, у оқса, неъмат унади» деб битганди. Исломий илмнинг улкан намоёндаси Ҳаким Термизий ўзининг «Китоб аҳ-ҳукуқ» асарида «Аллоҳ дастлаб илмни яратди. Илмдан у ҳикматни яратди. Ҳикматдан адолат ва ҳақиқатни яратди», деган эди. Аммо, Ҳазрати Соҳибқирон инсоният тарихида илк бор адолатга жаҳоний тус бериб, уни давлат сиёсати даражасига кўтарди ва мустаҳкамлади. Амир Темур сўнгги нафасигача «Адолат ҳамроҳингиз бўлсин!» деган ғояни тарк этмади. «Куч — адолатдадир» шиори ҳақ-ҳоқоний равишда унинг номи билан чамбарчас боғлиқдир. Улуғ бобокалонимизга ўрнатилган Тошкентдаги улкан ёдгорликка «Куч — адолатдадир» деб битилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Нақшбандия тариқатидаги «Дил ба ёр ва даст ба кор» ғояси Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг маънавий отаси, буюк юртдошимиз ҳазрати Хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан «Даст ба кору, дил ба ёр» («Қўлингни ишга бағишла-ю, дилингни Аллоҳга бағишла») шаклида анча илгарироқ қайд этилган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари Увайсий устознинг бу шиорига жаҳоний тус берди. Бу ғоя бутун мамлакат миқёсида кенг ёйилди.

*Натижада мазкур қутлуғ таълимот Баҳоуддин Нақшбанд номи билан ҳам улуғдир. Шунингдек, маънавият ва маърифат ҳам одамзоднинг асрий тушунчалари. Мустабид тузум даврида ҳам маданият соҳасида қатор фармонлар қабул қилинган. Аммо уларнинг бирортасида миллий маънавият ва маърифий ишларга алоҳида урғу берилган эмас. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг шижоати ила миллий руҳдаги маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устивор йўналиши тарзида қабул қилинди. Президентимиз фармонида шундай дейилади:*

*«Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналиши деб ҳисоблансин».*

*Бас, шундай экан бу қутлуғ ғоялар халқ манфаати йўлидаги изланишлар тарзида юртнинг ҳар бир фидойи вакилининг қалбидан жой олмоғи лозим.*

*Бинобарин, маънавий-маърифий ишлар аслида инсон манфаатларини кўзлайди. Энг асосийси, маънавий-маърифий ривожланиш инсоннинг ички имкониятларини очиб, уни иқтисодий-ижтимоий фаолиятини оширади. Хуллас, истиқлол давридаги миллий маънавий-маърифий юксалишлар мустақилликнинг энг дилхуш ютуқларидан биридир.*

***Қобилбек КАРИМБЕКОВ,***
***Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ.***

*Ўзбекистон — Ватаним маним*

## ҒОЛИБЛАР КОНЦЕРТИ

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида профессионал санъаткорларнинг мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» қўшиқ байрами танловининг якуний концерти бўлди.

— Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан профессионал санъаткорларнинг республика қўшиқ байрами танлови мустақил равишда ўтказилди, — дейди «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси бадиий раҳбари Ўктам Таваккалов. — Унда Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан элликдан ортиқ таниқли санъаткор иштирок этди. Улар ўзбек эстрада ва замонавий қўшиқчилиги бўйича мусобақалашди. Ғолиблар пойтахтга таклиф этилди. Эътиборли томони шундаки, уларнинг чиқишлари концерт тарзида ўтказилиб, мусиқий асарни баҳолашда томошабинлар фикри ҳам инобатга олинди. Унда Ватанимиз бахту-иқболини, халқимиз улуғворлиги, порлоқ келажагини мадҳ этувчи кўплаб янги мусиқий асарлар янгради. Республикада хизмат кўрсатган артист Қумуш Раззоқова «Ўзбекистон» (Ж. Жабборов шеъри, Д. Омонуллаева мусиқаси), наманганлик хушовоз хонанда Рустам Мамадалиев «Ўзбекистоним» (И. Сулаймонов шеъри, А. Аскқаров мусиқаси) қўшиқлари учун биринчи ўринни қўлга киритди. Козим Қаюмов, Азим Муллахонов, Олтингул Ажиниёзова, Мардон Мавлонов сингари санъаткорлар ҳам совринли ўринларни эгаллашди.

## АЛ-ХОРАЗМИЙ ВОРИСЛАРИ

Аргентинанинг Мардель-Плата шаҳрида ўтказилган халқаро ёш математиклар олимпиадасида илк бор Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашди. Бу ўзига хос беллашувда жаҳоннинг 82 мамлакатидан 460 нафар ўқувчининг билими синаб кўрилди. Республикамизда ўтказилган олимпиада ғолиблари — бухоролик О. Султонов, хоразмлик Т. Тохиров, наманганлик Қ. Тўрахонов олимпиаданинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

## КЎРГАЗМА МУШОҲАДАГА ЧОРЛАЙДИ

Республика байналмилал маданият марказида Камолиддин Беҳзод номидаги миллий санъат ва дизайн институтининг етакчи рассоми Анатолий Лигай асарларининг шахсий кўргазмаси очилди. Бу ерда бутун ҳаёти давомида инсон ва олам, турмуш ва онгнинг ўзаро алоқалари сирларини англаб етишга уринаётган рассомнинг ички дунёсини ифода этувчи етмишдан ортиқ асар намойиш қилинмоқда.

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Чо Енг Ха рассомни ижодий ҳаётидаги бу шарафли воқеа билан табриклаб, Анатолий Лигай асарларининг бу кўргазмаси мустақилликнинг олти йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Ўзбекистонда миллий маданиятларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун барча шарт-шароит яратилганини яна бир бор тасдиқлайди, деди. У келгусида ўзбекистонлик рассомнинг асарлари билан Жанубий Кореядаги тасвирий санъат ихлосмандлари ҳам таништиш имкониятига эга бўладилар, деб ишонч билдирди ва ўз юртида Ўзбекистонга, бу ерда яшаётган ватандошлари ижодига қизиқиш кучли эканини таъкидлади.

***ЎзА.***

# ЯНГИ МАКТАБ — ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ АСОСИ

***Мамлакатимизнинг келажаги ўз соҳасининг билимдони бўлган етук мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқлиги ҳаммамизга маълум. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан бу масалага қаратилаётган алоҳида эътибор барчамиз, жумладан, соҳа мутахассислари олдига янги вазифалар қўймоқда. Шу сабаб, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти директори, педагогика фанлари доктори Даврон Шодиев билан учрашиб, тадқиқот муассасасининг бу борада амалга ошираётган ишлари ва режалари билан қизиқдик.***

1997 йил 5 июлда ўтказилган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг мажлисида Президентимиз «Миллий кадрлар тайёрлашнинг илмий асослари борми, агар бор бўлса, у қандай амалга оширилади», — деган саволни ўртага ташлаган эдилар. Президентимиз таъкидлаганларидек, бу учрашувнинг асосий мақсади миллий дастурни тайёрловчи гуруҳлар фаолиятини таҳлил этиб, тарозига солиб, янги йўналишларни белгилаш эди. Дастурни тайёрлашда таълим тизимидаги ўзгаришлар катта муаммо эканлиги бу йиғилишда бир неча бор таъкидланиши билан бир қаторда, уларни ечиш йўлларини топиш лозимлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Бизнинг институтимизда бу борада амалга оширилиши зарур ишларнинг асосийси — таълим тизимининг мазмунини аниқлаш, амалий тартибда тадбиқ этиш йўлларини белгилашдир. Институтимиз илмий ходимлари Халқ таълими вазирлигининг буюртмасига асосан янги таълим тизимини яратишга ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозир бирламчи эътибор ўқув-методик мажмуаларни яратишга қаратилмоқда. Унинг таркибига ҳар бир ўқув предметининг концепцияси, унинг стандартлари, стандарт асосидаги дастур ва дарслик, услубий қўлланмалар киради. Бу мажмуалар мазмунини илмий асослаш, тажриба-синовдан ўтказиш, олим ва амалиётчилар фикр-мулоҳазалари асосида қайта ишлаб, ҳаётга тадбиқ этиш борасида кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда.

Таълим тизимининг стандартини белгилаш бу борадаги энг долзарб вазифалардан биридир. Шу сабаб, умумтаълим тизимида бошланғич, таянч ва ўрта таълим босқичларининг давомийлиги, ўқувчиларнинг психо-физиологик хусусиятларини инобатга олган ўқув жараёнининг таркиби ва мазмуни, бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш мезонларини белгилаш мақсадида ҳар бир босқич учун стандарт ва сертификатлар тайёрлаш, таълим-тарбияни замонавий босқичга кўтаришга қаратилган илмий асосланган тавсиялар бериш институтимиз фаолиятининг асосий йўналишидир.

Маълумки, жамият тараққиёти билан боғлиқ тарзда таълим тамойиллари ҳам мунтазам ривожланиб, такомиллашиб боради. Шунга кўра таълим назарияси давлат ва жамиятнинг энг долзарб талаблари асосида бу жараённи ташкил этиш воситаларини белгилаб бермоғи керак.

Соҳа мутахассислари ўз тараққиёт йўлидан бораётган давлатимиздаги таълим жараёни ва сифати, замонавий кадрларга бўлган эҳтиёжни ўзида мужассамлаштирган саккиз йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Бу йўналишлар доирасида барча ўқув предметлари бўйича таълим асослари яратилди. Бунда жамият томонидан қўйилган ижтимоий буюртма, шахс ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар ҳамда шарқ ва дунё педагогикасининг энг илғор ютуқларига таянилди.

Давлат томонидан муайян талаблар қўйилиши ҳар бир таълим босқич ва предметлар бўйича стандартлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Институтимиз олимлари томонидан мактабгача таълим-тарбия, бошланғич таълим ҳамда умумтаълим мактабларида ўқитиладиган ҳар бир предмет бўйича таълим стандартлари, улар асосидаги кўрсаткичлар ишлаб чиқилди.

Юртбошимиз, болаларни эркин, мустақил фикрлашга ўргатиш керак, дея таъкидлади. Дарҳақиқат, миллий педагогикамизнинг асосини, мактаб таълимининг мазмунини болаларни эркин фикрлашга ўргатишга қаратилган илмий тадқиқотлар ташкил этиши лозим. Бу ўринда мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг руҳий, жисмоний бақувватлигини аниқлаш масаласи муҳимдир. Зеро, соғлом боладагина мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш имконияти мавжуд. Замонавий ўқувчи мустақил фикрлайдиган, уни бемалол ифодалай оладиган ва ўз фикрини ҳимоя қилишга қодир бўлгандагина жамиятнинг фаол аъзосига айланади. Шу боис, бу йўналишдаги тадқиқотларда ҳам дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Ўқувчиларни эркин фикрлашга, мантиқий мушоҳада юритишга ўргатиш, педагог ва тарбиячиларда бола фикрини тинглаш, уни тўғри қабул қилиш, баҳолай олиш психологиясини шакллантириш ҳам жуда муҳимдир.

Бугунги кунда олимларимиз олдида турган алоҳида вазифа 12 йиллик таълим тизимининг моҳиятини белгилашдир. Бу борада мутахассислар томонидан илғор давлатлардаги ютуқлар ўрганилиб, муайян таклифлар киритилмоқда. Янги 12 йиллик тизимга ўтишимиз учун замонавий мактабда дарс бера оладиган ўқитувчиларни тайёрлаш зарурлиги барчага аён. Чунки янги давр педагог олдига янги талабларни қўймоқда.

Хулоса қилиб айтмоқчиманки, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» мамлакатимиз манфаатларини таъминловчи келажакка юз тутган таълим тизимининг янги моделини яратишга асос бўлади.

***Беҳзод УСМОН ёзиб олди.***
***(ЎзА).***

# СУДЛОВ ТИЗИМИ ДЕМОКРАТЛАШУВ ЙЎЛИДА

***ЭРГАШ ХОЛМАТОВ—1950 йилда Тошкент вилояти Оҳангарон туманининг Телов қишлоғида ўқитувчи оиласида туғилган. 1966—1980 йиллар Оҳангарон туман ва шаҳар судларида суд мажлиси котиби ва суд ижрочиси, 1980-1990 йилларда Оҳангарон шаҳар, Пскент тумани ҳамда Ангрен шаҳар судлари раиси, 1996 йил май ойидан ҳозирга қадар эса Тошкент вилояти ҳокимлиги адлия бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Биринчи даражали адлия маслаҳатчиси.***

ИНСОН онги қанча юксак, ҳуқуқий билими қанчалик чуқур бўлса, бу ўша шахс истиқомат қилаётган мамлакат маданиятининг юқорилигидан дарак беради. Истиқлол йиллари ичида юртбошимиз халқимизнинг ҳуқуқий савиясини оширишга алоҳида аҳамият бераётганлигининг боиси ҳам ана шунда. Шу муносабат билан қабул қилинган фармонлар, ҳукумат қарорлари ҳуқуқий билимларни оширишга даъват этувчи муҳим ҳужжатлар ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, ўз ҳуқуқи ва бурчини мукаммал англаган, қонунларга амал қилган одамгина ҳамиша одилона иш юритади, адолатни ўз таянчи деб билади. Инсон тақдири учун ҳаво билан сувдек зарур бўлган одиллик, айниқса, суд тизимининг фаолиятида бош омил бўлиши керак. Ана шунинг учун ҳам Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бу тизимда амалга ошириладиган ислоҳотлар «адолат»ни ўз қуроллари деб билишлари кераклигини қайта-қайта уқтирди. Зеро, «Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меёрларига қанчалик мос келишига бевосита боғлиқдир», дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, шундай. Қонуний меёрга риоя қилинмай, дўқ, дағдаға, азоб бериш билан ўтган тергов, суд жараёнлари Гдлян гуруҳи республикамизга ҳуруж қилган йилларнинг доғли изларидан бизларга маълум.

Адолат поймол этилиб, қанчадан-қанча бегуноҳ кишилар қамоқларда уқубат чекдилар, қариндош-уруғлари мусибатли кунларни кўрдилар.

Истиқлолимизнинг шарафи ҳам шундаки, судлов органларининг демократиялашувига, бу идораларга одамлар нафрат билан эмас, ишонч ва ҳурмат билан муносабатда бўлишига мувофиқ келадиган шарт-шароитларга йўл очди. Чунки юртбошимиз Республика Олий Мажлисининг биринчи чақириқ олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида баён этганидек, «Суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналиши»... ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонун ҳам, 1994 йилнинг 19 январидаги Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва судлари фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳақидаги махсус қарор ҳам демократик руҳи, ижро жараёнининг демократиялашувига даъвати билан ажралиб туради.

Шуни айтиш керакки, қонуний давлат барпо этиш йўлидаги асосий масъулият кўпроқ мавжуд қонунларга амал қилинишини таъминлайдиган судлар зиммасига тушади. Олдимизда турган кенг кўламли вазифаларга ҳукуматимиз қўяётган талаблар нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бугунги судья ва адлия органлари ходимларининг савиялари, малакалари кечаги судья ва адлия органлари ходимлариникидан фарқ қилиши лозим. Яъни бугунги талаб кўпроқ ўқишни, идрок этишни, айниқса, мустақил мамлакатимиз қонунлари ва ҳуқуқий билимларини чуқурроқ эгаллашни ва уларга амал қилишни тақозо этади.

Тошкент вилоят ҳокимлигининг адлия бошқармаси тизимидаги муассасалар ходимлари ўз фаолиятларини ана шу асосда олиб боришга, ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, қонунчиликни тарғиб қилиш борасида самарали тадбирларни амалга оширишга интилмоқдалар. Шу муносабат билан сафларимиз билимдон, қонунни чин дилдан ҳурмат қиладиган кадрлар билан тўлдирилди. Адлия вазирлиги дастури асосида қатор ходимларнинг малакасини ошириш йўлга қўйилди. Судьяларнинг омма орасида бўлиб, қонунлар моҳиятини тушунтириш, рўй бериши мумкин бўлган жиноий ишларнинг олдини олиш билан боғлиқ мулоқотлари тез-тез ўтказилмоқда. Айни пайтда халқ судлари фаолият юргизадиган бинолар қиёфасини ўзгартиришга, иш шароитининг яхшиланишига ҳам эътибор ортди. Судлар фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган органлар эмас, балки фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган органларга айланиб бораётганлиги айниқса қувонарлидир.

## *Ислоҳотлар амалда*

Лекин, шоли курмаксиз бўлмаганидек, айрим судьялар жиноий ишларни синчиклаб ўрганмай, қонунга хилоф равишда қарорлар қабул қилган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етмоқда, улар саргон-саргардон қилиб қўйилмоқда. Пировардида одил судлов обрўси ҳам тўкилмоқда.

Бир қатор судлар фаолиятида унча оғир бўлмаган жиноят учун узоқ муддатли жазо тайинлаш ёки оғир жиноятлар учун енгил жазо белгилаш, гоҳо айбсизлик презумциясига хилоф иш тутиш ҳоллари рўй берди. Мана бир мисол. Янгийўл шаҳар суди 1995 йили дастлабки терговлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 207-моддаси билан айбланган божхона ходимлари Жумабоев ҳамда Сулаймоновларни айбсиз деб топди ва оқлов ҳукми чиқарди. Воқеа бундай бўлган. Мамлакатимизга Кореядаги фирмалардан бири орқали келтирилган ва Польшада ишлаб чиқарилган «Бренди» коньяги кейинчалик шартномага кўра Қирғизистон Республикасининг Қорақўл шаҳридаги «Дўстун» заводига юборилган. Республикада ўрнатилган талабга кўра, хорижда ишлаб чиқарилган коньяк маҳсулотларини мамлакатимиздан четга чиқариш учун лицензия талаб қилинмайди. Тергов органлари эса Жумабоев ва Сулаймоновларни ноқонуний, яъни лицензиясиз чиқариб юборишда айбладилар. Натижада шаҳар суди адолатни тиклади.

Айбдор шахслар ўз жазоларини олдилар, албатта. Айни пайтда халқ судьяси деган номга нолойиқ бўлган шахслар қилмишлари бошқарма хайъати кенгашларида, судьялар иш жойларида муҳокама этилмоқда, содир бўлиши мумкин бўлган камчиликлар олди олинмоқда. Кўриниб турибдики, одиллик бузилган жойда фуқаролар жабр кўрмоқдалар. Шу боисдан ҳам Президентимиз такрор ва такрор адолатли иш кўришга даъват этмоқда.

Шу муносабат билан юртбошимиз Республика Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида «Халқ маслаҳатчилари тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини, фуқароларнинг одил судловни ўтказишда қатнашуви демократик жамиятнинг асосий принципларидан бири эканлигини, суд ишларини кўриб чиқишга одамлар ўртасида ҳурмат ва ишонч қозонган обрўли, маърифатли фуқароларни фаолроқ жалб этиш мақсадга мувофиқлигини» алоҳида қайд этди.

Биз бу кўрсатма юзасидан ўз режаларимизни белгилаб олганмиз. Адлия бошқармаси ҳайъатининг шу йил 15 май қарорига кўра жорий йилнинг сентябрига қадар халқ маслаҳатчиларининг сайлови ўтказилади. Ҳозир ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Маслаҳатчиларни сайлашда ҳар бир туманнинг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинмоқда. Шунга қараб туман, шаҳар судларининг ҳар бирига 30 тадан 50 тагача халқ маслаҳатчиси сайланиши, вилоят судининг ҳар бир судьясига 40 тадан халқ маслаҳатчиси сайланиши белгиланди. Албатта, бу муҳим тадбирни амалга оширишда жамоаларнинг оқилона иш юритиши муҳим аҳамиятга эга. Халқ маслаҳатчилари номзодлигига «Судлар тўғрисида»ги қонунда баён қилинганидек, 25 ёшга тўлган, ҳаёт тажрибасига эга бўлган, касби, насабидан қатъий назар ўз бурчига ақли етадиган фуқаро кўрсатилиши керак. Шундагина уларнинг ишга фойдаси тегади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда одил судлов тизимини демократлаштириш, унинг холислигини, адолатли фаолият юргизишини таъминлаш юзасидан долзарб қонунлар қабул қилинган ва бу муҳим иш давом этмоқда. Эндиги вазифа — ана шу инсонпарвар ҳужжатларга тўла амал қилишликдадир. Вилоят адлия тизими муассасалари ходимлари би борада сидқидиллик кўрсатишларига шубҳа йўқ.

***Эргаш ХОЛМАТОВ,***
***вилоят адлия бошқармаси бошлиғи.***

# ОТАХОНЛАР ХИЗМАТИДА



Вилоятимиз шаҳар ва туманлари Республикамиз мустақиллигининг олти йиллик тўйига муносиб ҳозирлик кўрмоқдалар. Жойларда байрамни арзигулик ютуқлар билан нишонлаш мақсадида ободонлаштириш, шарқона услубда янги маданий, маиший муассасалар биноларини барпо этиш, инсон манфаатларини кўзлаб хизмат турларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

**Суратларда: Қуйичирчиқ туманида янгидан қад кўтарган 300 ўринли оталар чойхонаси; чойхона мудири Абдураим Тожибоев бу жойга ташриф буюрганларни ҳамиша шундай очиқ чеҳра билан кутиб олади.**

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## *15 август — Ҳиндистон Республикаси мустақиллиги куни*

***ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛ деб эълон қилинганига 50 йил тўлди. Ҳиндистон ярим аср мобайнида иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Дунёдаги ривожланган йигирмата давлатлар орасида муносиб ўрин эгаллади. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар қадимий ва азалийдир. Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири, таниқли сиёсат ва давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру мамлакатни тараққиёт йўлидан олиб борди. Бу борада унинг «ҲИНДИСТОННИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ» китоби алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу китобни журналист ва олим Анвар КАРИМОВ ўзбек тилига ўгирмоқда. Қуйида ана шу асардан бир парча эълон қилаётирмиз.***

# АКБАР

Акбар Ҳиндистонда бобурийлар сулоласининг учинчи ҳукмдори эди. Аслида буюк давлатимизни ўша бирлаштирган эди. Унинг бобоси Бобур 1526 йилда Деҳли шаҳрини эгаллаган бўлса ҳам Ҳиндистонга бегона, мусофир киши эди. Бу мамлакатда ёт кишидай ҳис қиларди ўзини. У шимоллик эди: у ерда ватани — Ўрта Осиёда темурийларнинг уйғониш даври гуллаган, Эрон санъати ҳамда маданиятининг таъсири кучли эди. Бобурга ўрганиб қолган дўстлар гурунги, дўстона суҳбатлар қувончи, Эрон ва Боғдоддан келтирилган нафис роҳат-фароғат анжомлари етишмас эди. У шимол тоғларининг қор ва музликларини, гўштли таомларни, Фарғонанинг чаманзорларини, меваларини қўмсарди. Бироқ, мусофирлик жонидан ўтиб кетганида ҳам Ҳиндистонни тенгсиз гўзал мамлакат деб ҳисоблаган. Бобур Ҳиндистонга келгач, тўрт йилдан кейин вафот этди. Кўп вақтини жангу жадалларга, Аградаги ҳашаматли пойтахт қурилишига бағишлади...

Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг салоҳиятли ҳукмдори, жасур ва тадбиркор инсон бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар тағин ҳам диловар, тағин ҳам кўпроқ фазилатлар соҳиби бўлган. У мард ва довюрак, истеъдодли саркарда бўлиш билан бирга мурувватли ва танти, тақводор ва донишманд, ташаббускор, ўз издошларининг чексиз садоқатини қозонган доҳий эди. Саркарда сифатида у Ҳиндистоннинг чексиз-чегарасиз худудларини ўзига бўйсундирди, аммо, у қўлдан кетмайдиган бошқача ғалабани — одамларнинг қалби ва онгини забт этишни орзу қиларди. Акбарнинг саройида бўлган португалиялик руҳонийларнинг сўзларига қараганда, унинг боқишлари кишини ўзига ром қиладиган жозибали, кўзлари эса «қуёш ёғдусида порловчи денгиз каби нур сочиб турган».

Акбар фақат сиёсий жиҳатдангина битта давлатга бирлашиб қолмасдан, балки, узвий равишда битта халқ бўлиб бирлашган ягона Ҳиндистон ҳақидаги қадимий орзуга руҳ бағишлади. Ўзининг 1556 йилда бошланган ва узоқ давом этган, деярли эллик йиллик ҳукмронлиги даврида ана шу мақсад сари интилди. Бошқа ҳеч кимга бўйсунмайдиган, мағрур ражпут бошлиқларини ўз томонига оғдирди. У ражпут зодагонининг қизига уйланган бўлиб, шу тариқа, ўғли ва тахт меросхўри Жаҳонгир ярим турк, ярим ҳинд-ражпут эди. Набираси Шоҳ Жаҳоннинг онаси ҳам ражпутлардан эди. Шундай қилиб, туркий бобурийлар сулоласи ирқи жиҳатдан ҳиндларга яқинроқ бўлиб қолди. Акбар ражпутлар билан фахрланар, маънавий жиҳатдан ўзини уларга яқин ҳисоблар эди. Никоҳлар, шунингдек, бошқа воситалар ёрдамида давлатини анча мустаҳкамлашга ҳизмат қилган ражпут ҳукмрон табақалари билан иттифоқ тузди. Ундан кейинги ҳукмдорлар даврида ҳам давом этган бу ҳамкорлик давлат тузуми, мамлакатни идора этиш ва қўшиларга таъсир этибгина қолмай, балки, санъат, адабиётда, Ҳиндистоннинг бутун ҳаётида чуқур из қолдирди. Турк фунуни маҳаллий халқ билан аста-секин қоришиб кетдилар, ражпут ва бошқа ҳиндларга форс маданияти ўз таъсирини ўтказди.

Акбар атрофига ўзи ва орзуистакларига садоқатли ажойиб инсонлар зумрасини тўплади. Уларнинг орасида машҳур акука Файзи ва Абул Фазл, Бир Бал, рожа Ман Сингҳ, хонлар хони Абдураҳимлар бор эди. Унинг саройида диний эътиқоддаги кишилар, янги ғояларни ўртага ташлаган ёки янги кашфиётлар қилган зотлар учрашар эдилар. Унинг турли қарашларга эркин йўл қўйиб бориши ва ҳар қандай эътиқодни рағбатлантириши шу даражага бориб етардики, бундан ўша диндор мусулмонлар ғазабга келишарди. У, ҳатто, барчага мос келадиган янги аралаш дин яратиш ҳаракатида ҳам бўлган. Айнан унинг ҳукмронлиги даврида Шимолий Ҳиндистонда ҳиндлар билан мусулмонларнинг маданий қўшилиши сезиларли даражада илгарига қараб силжиган эди. Акбарнинг ўзи, шубҳасиз, ҳиндлар ўртасида ҳам, мусулмонлар ўртасида ҳам бирдай эъзозланар эди. Бобурийлар сулоласи ҳақиқий ҳинд сулоласи сифатида чуқур илдиз отди.

Акбарнинг турли билимларга ҳаваси ниҳоятда зўр, хоҳ диний, хоҳ дунёвий бўлмасин, доимо ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ҳаракат қиларди. Унинг саройида бўлган португал руҳонийлари: «У фақат ҳарбий ва сиёсий масалалардагина зукколик кўрсатиб қолмай, шунингдек, техниканинг турли соҳаларида ҳам донишлигини намойиш қилиб, жуда кўп нарсалар билан қизиққан, уларни ўрганишга интилган, — деб гувоҳлик беришади, — ўзининг билимга чанқоқлигидан, оч қолган киши ҳамма овқатни чайнамасдан ликқа-ликқа ютганидай, ҳаммасини бирваракай ўрганишга ҳаракат қиларди».

Бироқ, унинг қизиқувчанлиги бир қанча соҳаларга ёйилмагани, олдида пайдо бўлган баъзи жуда муҳим муаммоларни таҳлил этишга интилмагани кишини таажжублантиради. Буюк бобурий сифатида обрў-эътибор қозонгани, қуруқликдаги давлат сифатида унинг салтанати қудратли бўлгани билан денгизда заиф эди. 1498 йилда Васкоде Гама «Яхши умид» бурнини айланиб ўтиб, Каликутга етиб келди. 1511 йили Албукерк Маллаккани босиб олиб, Ҳинд океанида Португалия ҳукмронлигини ўрнатди. Ҳиндистоннинг ҳарбий қирғоғидаги Гоа португал тасарруфига ўтиб кетди. Буларнинг ҳаммаси португалларни Акбар билан юзмаюз тўқнашувга олиб келмади. Бироқ португалияликлар денгиз орқали Маккага йўл олган, ораларида кўпинча шоҳ хонадони аъзолари, аъёнлар бўладиган ҳиндларни асир олиб, уларнинг озод этилишига пул талаб қилиб, қамоқда сақлар эдилар. Акбар қуруқликда қанча қудратли бўлмасин, португалияликлар денгизда устун эканликлари равшан эди. У янги-янги ерларни забт этиш билан овора, гоҳ-гоҳ унинг қитиқ патига тегиб турсаларда, босқинчиларга аҳамият бермас, улар билан шуғулланишга вақти ҳам йўқ эди.

Акбар XVI асрда Оврупода олға ҳаракат қилувчи кучлар, инсоният ҳаётида инқилобий юксалиш пайдо бўлган даврда яшади. Бу кашфиёт туфайли Оврупо аввал аста-секин, кейин эса, жадал суръатда илгарилаб кетди. XIX асрда эса шундай сакраш қилдики, натижада янги дунё яратди. Оврупода табиат кучларини жиловлаб, улардан ўз мақсади йўлида фойдаланаётган бир даврда оғир карвон ва мудроқ Осиё инсон қўл меҳнатига суяниб қарор топган ҳаёт тарзига амал қилиб келарди. Агар Акбарнинг порлоқ ва синчков ақли ижтимоий масалаларга қаратилган бўлганида, у жаҳондаги бошқа мамлакатларда кечаётган воқеаларнинг моҳиятини тушуниб етишга ҳаракат қилганида, ижтимоий ўзгаришларга катта ҳисса қўшган бўлур эди. Бироқ, у ўз давлатини мустаҳкамлаш билан жуда банд эди. Унинг олдида қўндаланг бўлиб турган асосий муаммо — бетўхтов тарқалиб бораётган ислом динини миллий дин ва халқнинг урф-одатлари билан муросага келтириш ва шу йўл билан миллий бирликка эришишдан иборат эди.

Акбар ўз салтанатини шундай мустаҳкам қурган эдики, унинг давлати уқувсиз ворислари даврида ҳам юз йилча яшади. Деярли ҳар гал бобурийлар сулоласининг ҳукмдори вафотидан кейин тахтга даъвогарлар ўртасида марказий ҳокимиятга путур етказувчи урушлар бўлиб турди. Лекин сарой мустаҳкамлигича қолар, улуғ бобурийлар бутун Осиёга ва Европага довруғ таратган эдилар.

***Анвар КАРИМОВ таржимаси.***

# ИККИ ХАЛҚ ОЛИМИ

МАШҲУР адабиётшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор Натан Муродович Маллаев билан кафедрада ўтирсак қорачадан келган, барвастароқ бир йигит кириб келди ва салом-аликдан сўнг:

— Натан Муродович, Сизнинг кафедрангизда аспирантурага ўрин бор экан, ҳужжат топширишчи эдим, маслаҳатга келувдим, — деди.

— Эски ёзувдаги манбааларни ўқий оласизми? Форс тилини биласизми? — сўраб кетдилар устоз.

— Бир мунча биламан, муаллим Латифжон Халиловдан яна дарс оляпман, — жавоб берди йигит ийманиброқ.

— Ундай бўлса ҳужжатингизни топшираверинг, Сизга ўзбек-қозоқ адабий ҳамкорлиги тарихидан мавзу берамиз, — гапини якунлади Натан Муродович.

Ана шу суҳбатга 25 йил бўлди. Бу йигит Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти қозоқ филологияси кафедрасининг ҳозирги мудири доцент Турдибой Қалдибоев эди. Ўшанда «Қозоқ халқ китоби», «Юсуф ва Зулайхо»нинг қиёсий-типологик тадқиқоти мавзусида илмий изланишлар бошлаган захматкаш Турдибой 30 дан зиёд илмий асарлар яратди. Унинг мақолалари Озарбайжон, Қозоғистондаги энг нуфузли нашрларда: «Маданий мерос», «Ўзбек тили ва адабиёти» журналлари ҳамда республикамиз миқёсидаги илмий мажмуаларда чоп этилиб келинмоқда.

## *Ҳамкасбларимиз*

Агар Турдибой Қалдибоев илк кузатишлари пайтида Шарқда машҳур «Юсуф ва Зулайхо» севги саргузашти қиссасининг ўзбек, қозоқ, озарбайжон, бошқирд, нўғой нусхаларини қиёсий тахлил этиб, анъанавийлик ва миллий ўзига хослик адабий жараёнидаги қонуниятларини аниқлаб, теран илмий хулосалар чиқарган бўлса, эндиликда у ана шу мавзунинг бошқа жиҳатларини ўрганмоқда. Зукко олим биринчи манбалар, қўлёзмаларга таянган ҳолда, уларни синчиклаб ўрганиш жараёнида туркий халқлар қиссачилигида анъанавийлик ва ўзига хослик масаласини ўзбек, қозоқ, озарбайжон ҳамда татар мумтоз адабиётларидаги сюжет, мавзу тимсолларини қиёсан ўрганмоқда.

Бундан ташқари Т. Қалдибоев Ўзбекистон ва Қозоғистон миқёсида адабий ўзаро таъсир, адабий-маданий ҳамкорликка бағишлаб ўтказилаётган халқаро анжуманларда ўзбек-қозоқ адабий алоқаларининг долзарб масалаларига доир маърузалари билан қатнашиб келмоқда. Буғина эмас, захматкаш олим тадқиқот ишларини илмий-услубий кузатишлари билан узвий боғлаб олиб боряпти. У Ўзбекистон Олий ўқув юртларидаги қозоқ тили ва адабиёти бўлими талабалари учун «Қозоқ халқ оғзаки ижоди», «Қозоқ мумтоз адабиёти», «Ҳозирги қозоқ адабиёти» фанларидан тузилган ҳамда қозоқ ўрта мактаблари дастурларининг муаллифларидир.

Биз кафедра лаборанти лавозимидан филология фанлари номзоди, доцент даражасига етган сергайрат ташкилотчи, ўзбек-қозоқ адабий алоқаларининг толмас тадқиқотчиси, ҳамкасбимиз Турдибой Қалдибоевга бу илмий ишлари, умр йўлида ҳамиша омад ёр бўлишини тилаймиз.

***Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,***
***профессор.***

# МЕҲНАТКАШЛАР ДАСТУРХОНИГА

***Янгийўл консерва ҳиссадорлик жамияти жамоаси дала маҳсулотларини қайта ишлашни авж олдириб юборди. Айни пайтда корхонада қулупнай, эртапишар карам, бодринг, гилос, олча, ўрик ва олхўридан мураббо ва шарбатлар, полиз маҳсулотларидан эса тузлама тайёрлаш якунланиб, помидорни қайта ишлашга киришилди.***

— Ўтган йили тумандаги Халқобод, Бобур ва А. Болғабоев номидаги жамоа хўжаликларини корхонага бирлаштириш асосида агрофирма ташкил этилган эди, — дейди завод бош директори Б. Йўлдошев. — Қабул қилиб олинадиган маҳсулотлар учун йил бошидаёқ мазкур хўжаликларга беш миллион сўм аванс, етарли миқдорда уруғлик, ўғит ва техника етказиб берилди. Ҳозирдаёқ шартномада белгиланган маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи қабул қилиб олинди. Ана шу ишларнинг самараси ўлароқ, ҳиссадорларга қарийб тўрт миллион сўмлик дивиденд берилди. Йил охирида жамоа хўжалиги аъзоларига ҳам акциялар сотишни йўлга қўямиз. Деҳқон ҳам етиштирган, ҳам қайта ишланган маҳсулотидан даромад олади.

Корхонада чет эл сармоясини жалб этишга ҳам жиддий эътибор берилаётир. «Болалар таомлари» холдинг компанияси ва АҚШнинг «Тексуна» фирмаси билан ҳамкорликда кичкинтойлар учун таомлар ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда.

***Б. ОСТАНОҚУЛОВ,***
***ЎзА мухбири.***

# ИККИ ХАЛҚ ОЛИМИ

МАШҲУР адабиётшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор Натан Муродович Маллаев билан кафедрада ўтирсак қорачадан келган, барвастароқ бир йигит кириб келди ва салом-аликдан сўнг:

— Натан Муродович, Сизнинг кафедрангизда аспирантурага ўрин бор экан, ҳужжат топширишчи эдим, маслаҳатга келувдим, — деди.

— Эски ёзувдаги манбааларни ўқий оласизми? Форс тилини биласизми? — сўраб кетдилар устоз.

— Бир мунча биламан, муаллим Латифжон Халиловдан яна дарс оляпман, — жавоб берди йигит ийманиброқ.

— Ундай бўлса ҳужжатингизни топшираверинг, Сизга ўзбек-қозоқ адабий ҳамкорлиги тарихидан мавзу берамиз, — гапини якунлади Натан Муродович.

Ана шу суҳбатга 25 йил бўлди. Бу йигит Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти қозоқ филологияси кафедрасининг ҳозирги мудири доцент Турдибой Қалдибоев эди. Ўшанда «Қозоқ халқ китоби», «Юсуф ва Зулайхо»нинг қиёсий-типологик тадқиқоти мавзусида илмий изланишлар бошлаган захматкаш Турдибой 30 дан зиёд илмий асарлар яратди. Унинг мақолалари Озарбайжон, Қозоғистондаги энг нуфузли нашрларда: «Маданий мерос», «Ўзбек тили ва адабиёти» журналлари ҳамда республикамиз миқёсидаги илмий мажмуаларда чоп этилиб келинмоқда.

## *Ҳамкасбларимиз*

Агар Турдибой Қалдибоев илк кузатишлари пайтида Шарқда машҳур «Юсуф ва Зулайхо» севги саргузашти қиссасининг ўзбек, қозоқ, озарбайжон, бошқирд, нўғой нусхаларини қиёсий тахлил этиб, анъанавийлик ва миллий ўзига хослик адабий жараёнидаги қонуниятларини аниқлаб, теран илмий хулосалар чиқарган бўлса, эндиликда у ана шу мавзунинг бошқа жиҳатларини ўрганмоқда. Зукко олим биринчи манбалар, қўлёзмаларга таянган ҳолда, уларни синчиклаб ўрганиш жараёнида туркий халқлар қиссачилигида анъанавийлик ва ўзига хослик масаласини ўзбек, қозоқ, озарбайжон ҳамда татар мумтоз адабиётларидаги сюжет, мавзу тимсолларини қиёсан ўрганмоқда.

Бундан ташқари Т. Қалдибоев Ўзбекистон ва Қозоғистон миқёсида адабий ўзаро таъсир, адабий-маданий ҳамкорликка бағишлаб ўтказилаётган халқаро анжуманларда ўзбек-қозоқ адабий алоқаларининг долзарб масалаларига доир маърузалари билан қатнашиб келмоқда. Буғина эмас, захматкаш олим тадқиқот ишларини илмий-услубий кузатишлари билан узвий боғлаб олиб боряпти. У Ўзбекистон Олий ўқув юртларидаги қозоқ тили ва адабиёти бўлими талабалари учун «Қозоқ халқ оғзаки ижоди», «Қозоқ мумтоз адабиёти», «Ҳозирги қозоқ адабиёти» фанларидан тузилган ҳамда қозоқ ўрта мактаблари дастурларининг муаллифларидир.

Биз кафедра лаборанти лавозимидан филология фанлари номзоди, доцент даражасига етган сергайрат ташкилотчи, ўзбек-қозоқ адабий алоқаларининг толмас тадқиқотчиси, ҳамкасбимиз Турдибой Қалдибоевга бу илмий ишлари, умр йўлида ҳамиша омад ёр бўлишини тилаймиз.

***Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,***
***профессор.***

## *Китоблар оламида*

# «ТАБИАТ ВА БОЛАЛАР»

ИНСОННИНГ амалий фаолияти натижаси табиатимизга ҳам салбий таъсир қилмоқда. Бизни ўраб олган атроф-муҳит тобора ифлосланмоқда, ҳайвонот ва ўсимликлар олами камбағаллашмоқда, ер, тупроқ, сув заҳарланмоқда. Шунинг учун ҳам республикамиз мустақилликка эришганидан кейин табиатни муҳофаза қилиш ишларига эътибор кучайди. Экологик аҳволни яхшилашга қаратилган фармонлар, қонунлар, қарорлар қабул қилинди.

Эндиликда табиатни асраб-авайлаш, унинг ресурсларини тежаб-тергаб ишлатиш ҳаммасининг ва ҳар бир кишининг бурчи бўлиб қолди. Шу бурчни ҳали ҳамма тўла хис қилаётгани йўқ. Шунинг учун экологик тарғиботни кенгайтириш, унинг барча имкониятларидан омилкорлик билан фойдаланиш лозим. Айниқса, ёшларда табиатга тўғри муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан қаралганда яқинда Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан чоп этилган «Табиат ва болалар» рисоласи айни муддао бўлди. Унда ўсиб келаётган ёш авлодга экологик таълим ва тарбия бериш юзасидан Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг ҳамкорликда олиб бораётган иш тажрибалари ҳақида ҳикоя қилинади.

Рисоладан вилоят хокимлигининг ёшларга экологик таълим ва тарбия беришни яхшилаш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирлари, шу масала бўйича ўтказилган ҳалқаро илмий-услубий конференцияси иши ҳақидаги мақолалар, бундан ташқари Қибрай туманида уюштирилган қатор вилоят кўрик-танловлари якунлари ҳақидаги материаллар жой олган. Ёшларнинг экологик таълим ва тарбиясига оид фератлари ҳам келтирилган.

Рисола вилоятда яшовчи ҳар бир кексаю-ёш сув ва ернинг, ўсимлик ва ҳавонинг, ҳайвон ва қушларнинг яқин дўсти бўлиб қолишига хизмат қилмоқда, деб ўйлаймиз.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ.***

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

## САЛАВАТНИНГ САЛОБАТИ

• БОШҚИРД халқининг миллий қаҳрамони — Салават Юлаев ҳақида кўп бор эшитганмиз. У ҳақда афсоналар, достонлар тўқилган, китоблар ёзилган. С. Юлаев тарихий ёхуд афсонавий шахсми, деган савол ҳамон кўпчиликни қизиқтириб келади. С. Юлаев XVIII асрда яшаган. У шоир ва исёнкор. Ўтган юз йилликда кўтарилган деҳқонларнинг қўзғолонига раҳбарлик қилган. Емельян Пугачевнинг сафдоши ва маслакдошларидан бири ҳисобланади.

Ҳайкалтарош Тамара Нечаева тош ва бронзадан неча бор С. Юлаев сиймосини яратди. Унинг ана шундай ёдгорликларидан бири Уфада ўрнатилган. Яқинда эса Эстониянинг Палдиски шаҳрида ҳам С. Юлаевга ҳайкал ўрнатиш маросими бўлади. Унинг муаллифи ҳам Т. Нечаевадир. Тарихий манбаларга қараганда, сургун қилинган С. Юлаев ушбу минтақадаги тош конларида ҳалок бўлган экан.

## ЯНА ҲАЛОКАТГА САЛ ҚОЛДИ

• «ТОШКЕНТ ҳақиқати» газетасининг 30-июль сонида ўн йилдан бери фазода парвоз қилиб юрган «Мир» станцияси тўғрисида, унинг яқинда «Прогресс М-34» юк кемаси билан тўқнашиб, ҳалокатга учраганлиги борасида хабар берган эдик. Ушанда август ойининг бошларида янги фазогирлар гуруҳининг «Мир» томон парвоз қилажаклиги ҳам айтилган эди. Аввал мўлжалланганидек, 7 август куни Анатолий Соловьев ҳамда Павел Виноградовлардан иборат янги фазогирлар гуруҳи парвоз қилдилар. Лекин, бу сафар ҳам ҳалокат юз беришига сал қолди. Янги кема автоматик тартибда «Мир» билан туташтирилиши лозим эди. Бироқ, 13 метр қолганда А. Соловьев «иш чатоқ» деб қичқирди. Чунки, туташиш маромини белгиланганидек эмас, ғалатироқ эди. Ярим дақиқалик маслаҳатдан сўнг А. Соловьев бошқарувни ўз қўлига олди ва кемани «Мир» билан муваффақиятли туташтирди. Яқин кунлар ичида қаттиқ зарба оқибатида шикастланган «Мир» станциясини таъмирлаш ишлари бошланади. Аввалги фазогирлар — В. Циблиев ва А. Лазуткин гуруҳи эса ерга қайтиб тушадилар.

## БУВИЖОНЛАРИДАН АЙРИЛИБ ҚОЛИШДИ

• АЙНИ кунларда Ер курраси да яшаётган энг кекса инсонлардан бири — 122 яшар Жанна Кальман деб аталган онахон эди. Ўлим ҳақ экан, у куни кеча у дунёга рихлат қилди. 1875 йилда таваллуд топган Ж. Кальманнинг исми-шарифи Гиннес китобига киритилган эди. Икки аср мобайнида юз берган буюк ўзгаришларни кўрган бувижон ҳақида бутун Арль шаҳри аҳолиси аза тутмоқда.

## АВВАЛ — ШАМПАН, КЕЙИН — ВОЙ-ДОД...

Чувашистоннинг Йошкар-Ола шаҳрида истиқомат қиладиган гўзал хонимлардан бири нотаниш йигит билан унинг кетворган машинасида сайр қилишга бажонудил кўнди. Жазман йигит шампан ичимлиги келтириш учун кўшни ресторанга отланди. «Тағин кетиб қолмасин» деган гумон билан қизни ўз гаражига қамаб қўйди. Тасодифни қарангки, йигит катта йўлга чиққанда уни машина уриб кетди, у кўзини очганда тез ёрдам касалхонасида ётарди. Шубҳасиз, жазмани бўлган хоним аллақачон унинг ёдидан кўтарилган эди...

Вой-доддан оғоҳ бўлиб қолган қўни-қўшнилар хонимни «асирлик»дан озод этадилар. Лекин, жигибийрони чиққан маъшуқа болға билан уриб, жазманининг яп-янги машинасини дабдала қилиб ташлаган экан.

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

## РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА

# ТЎЁНА

### (ШЕЪРИЙ ГУЛДАСТА)

***УСМОН ЭГАМБЕРДИЕВНИНГ асли касби муҳандислик. Лекин, у бадиий адабиёт муҳлиси. Бўш вақтларида шеърлар машқ қилиб туради. Қуйида унинг она-Ватанимиз, истиқлол шарофати, ёрқин келажак, садоқат, дўстлик, меҳнат мавзуларини тараннум этувчи айрим шеърларини чоп этаётирмиз. У. Эгамбердиев ўзининг ушбу шеърий туркумини Ўзбекистонимиз мустақиллигининг қутлуғ байрамига бағишлабди.***

Саждагоҳдек азиз,
муқаддас диёр,
Буюк аждодларим
яшаган макон.
Тўйингдан қувониб,
этдим ихтиёр,
Табрик-чун
қилмоқни ашъор армуғон.

Бастакор куй битар
тўйга, атайлаб,
Мадҳингни қилурлар
шоирлар достон.
Боғларинг асалдек
мевасин танлаб,
Туҳфа ясар тўйга,
азамат боғбон.

Тупроғинг зар сенинг,
Қуёшинг заргар,
Боғу роғларинг ҳам
сўлим, сержило.
Бир марта тузингни
тотса, ким агар,
Бўлгуси васлингга
бир умр шайдо.

Бир умр шайдо бўлиб,
васлингга мен ҳам,
Қалбдан илҳомланиб,
ушладим қалам.

* * *

***Қалбдан илҳомланиб
ушладим қалам,
Шаънингга лойиқ сўз
айтмоқ дардида.
Бахтлиман, шеърларим,
ҳатто, бўлса ҳам,
Шеърият аталган
мулкнинг гардида.***

***Илҳом онидаги
шоирлик бедор,
Меҳру-ишқинг қилиб
шоирона ҳис.
Мадҳингни куйламоқни
этиб ихтиёр,
Неажаб, гар қалам
тутса муҳандис!?***

***Элимга бахт берган
қутлуғ истиқлол,
Қалбимга илҳому,
бир оташ солди.
Тақдиру-азалда бор
бўлган иқбол,
Мени масрур этди,
тинчлигим олди.***

***Меҳринг оғушида
ўсдим, мен дилбанд,
Созимда ўзингсан
авжим ҳам баланд.***

* * *

Истиқлол нуридан
яшарган ўлкам,
Соҳибқирон Темур
яшаган Турон.
Мустақил, озодсан,
бу кун чинакам,
Ер, сув даҳлсиз,
даҳлсиз осмон.

Ўзбекнинг илмини
камситган нокас,
Кўхна тарихни ҳам
хор қилди йиллар,
Йиллар кутдик
озодликни этибон ҳавас,
Йиллар камситилдик,
вайрон кўнгиллар.

Ўтмиш аждодларим
руҳи бу кун шод,
Келди Фитрат,
Чўлпон орзу қилган кун.
Дини Ислом ила
қалбимиз обод,
Оллога минг шукур,
бу кунлар учун.

Истиқлол, интизор
кутилган офтоб,
Истиқлол саодат,
шарий инқилоб.

* * *

***Бу кун ҳаётимда
мазмун бир жаҳон,
Орзумга қанотдир
ёрқин келажак.
Ўтмишда қолсаю ғам,
андух, армон,
Нетонг, гар ушалса
орзулар бешак.***

***Дўст билан ҳаётим
яна мазмундор,
Дўстлар кўп, қондошмиз,
қуда-кудағай.
Пўлатдек мустаҳкам
асос-пойдевор
Авайланар дўстлик,
кўз қорасидай.***

***Ўзбегим азалдан
дўстга меҳрибон,
Меҳр-оқибатда
собит ва мумтоз.
Лозим бўлса дўст-чун
кўкси ҳам қалқон,
Дўстлар қилинар
уй тўрида эъзоз.***

***Дўстлик инсондаги
ҳислати, ноёб,
Дўстликни улуғлаб,
кўнгилда офтоб,***

* * *

Дўстлар билан обод
ҳар бир хонадон,
Иноқ бўлсак қолмас
мақсад бесамар.
Шукур, халқим кутган
келди ҳур замон,
Бу шундай замонки,
озод мунаввар.

Қурамиз биз энди
обод келажак,
Аниқ мақсадимиз,
орзумиз равшан.
Давлатимиз буюк
давлат бўлажак,
Чунки, ҳар куни
равнақ топмоқда Ватан.

Ўзбек давлатини
тан олди жаҳон,
Тобеликка барҳам
берди истиқлол.
Келди меҳнат
завқин сурмоққа даврон,
Бу шундай давронки,
яшар безавол.

Завқ-шавқ берар
мадҳинг оромим олиб,
Бахтли бўл, бўл меҳнат,
қурашда ғолиб.

* * *

***Бахтли бўл, бўл меҳнат,
курашда ғолиб,
Соҳибқирон руҳи
бўлсин мададкор.
Фанда ҳам илм аҳли
лол, ҳайрон қилиб,
Дунёни забт этган
дахоларим бор.***

***Аллома Беруний номин
билмас ким!?
Илм хазинаси
бўлмайди барбод.
«Зичи Кўрагоний»
тузган мунажжим,
Самовий илмда
бўлди машҳур зот.***

***Ал-Хоразмийдан
мерос Ал-Жабр,
Муҳандис илмининг
бош тамал тоши.
Нақшбандий бобом,
гар жоиз таъбир,
Исломнинг шарқдаги
ёрқин қуёши.***

***Буюклар номини
ёдлаймиз ҳар он,
Илмда даҳолардек
бўлиб, билимдон.***

* * *

Илмда даҳолардек
бўлиб билимдон,
Ўзбек олимлари
машҳур дунёда.
Бири иқтисодда
олими замон,
Кашфиёт қилади,
бири кимёда.

Бири ер илмида
деҳқонга ҳамдам,
Фанимиз фахрийдир
олим-донолар.
Беморлар қалбига
қуввату-малҳам,
Тиббиёт илмида
неча Синолар.

Фанда Берунийдек
бўлолдик толиб,
Дўстни шодлаб,
ёвни кулфатга солиб.

***

***Бу кун тўйингга
сен чорлайсан меҳмон,
Тўй қилсанг ярашар,
ҳуррам замонда.
Ўзбегим меҳмондўст,
феъли кенг мезбон.
Безаб дастурхонин
бўлар парвона.***

***Бу қутлуғ тўйингда
азим Тошкентим,
Энг катта мезбон,
тўйбоши, сардор.
Ҳимматда дарёдек
бу сахий, кентим,
Меҳмон кутишда
ҳам дунёга номдор.***

***Навқирон ёшингни
дилдан табриклаб,
Келишар гул тутиб,
қондош-қариндош.
Дўстлар истар,
сенга эзгулик тилаб,
Доим равнақ, тинчлик,
бегубор осмон.***

***Диёрим тўйингдан
шодман на қадар,
Тилагим менинг ҳам,
ёр бўлсин зафар.***

* * *

Тўйингга туҳфамдир
шеърий гулчамбар.
Бундаги ҳар сатр
қалбим нидоси.
Суҳан ғазнасидан
тердим дур, гавҳар,
Сўзларнинг
жилоси-кўзим зиёси.

Муборак этаман
навқирон ёшинг,
Минг йиллар бўл омон,
кўрма ҳеч завол.
Ҳамиша порласин
толе қуёшинг,
Сенга ҳамроҳ бўлсин
доим бахт, иқбол.

Мураббий, Дарғамиз
Сизга ташаккур,
Тўйнинг илк қутлови
Сизга аталган.
Ўзбекни дунёга
қилдингиз машҳур,
Сиздан бир умрга
миннатдор Ватан.

Мадҳингни куйлайман эй,
толеи баланд,
Фикру-зикрим бўлиб
ишқинг билан банд.

***Усмон ЭГАМБЕРДИ,
Ангрен шаҳри.***

## БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

***Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳар томонлама, айниқса, маданият соҳасида ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда.***

Абдулхақ Абдуллаев, Алишер Мирзаев, Акмал Икромжонов каби мўйқалам усталари турли йилларда Ҳиндистонга қилган сафари натижаси ўлароқ, бу юртнинг гўзал табиати ва заҳматкаш халқи ҳаёти ҳақидаги туркум асарлари иккала мамлакат санъат ихлосмандларига манзур бўлган эди. Мана энди Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида иқтидорли ҳинд рассоми Рам Кишер Ядав кўргазмаси очилди. Ижодкорнинг қишлоқ ҳаёти, унинг одми ва меҳнаткаш одамлари, уларнинг турмуш тарзини акс эттирувчи асарлари жаҳоннинг ўнлаб мамлакатида намойиш этилган.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Халқ рассоми Рўзи Чориев, санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директори Тўхтасин Ғофурбеков, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги маданият маркази раҳбари Қамар Раис ва бошқалар икки буюк байрам — Ўзбекистон ва Ҳиндистон мустақиллиги кунлари арафасида ташкил этилган бу кўргазма халқларимизнинг тарихи ва маданиятини янада теранроқ англашга хизмат қилишини таъкидладилар. ***(ЎзА).***

***Бу қизиқ***

## СОДДА, ЛЕКИН, ҒАРОЙИБ

НОРВЕГИЯНИНГ Стрюн деб аталган кичик бир шаҳрида истиқомат қилувчи Пьер Коре Крумсвик чўлларда яшовчиларни ичимлик суви билан таъминлашнинг оддий, бироқ жуда ғаройиб усулини кашф этди. у оби-ҳаётни ҳаводан олишни таклиф қилмоқда.

Норвегиянинг «Норвей нау» журналида босилган хабарда бу кашфиётнинг таърифи берилди. П. Крумсвик ойна ва алюминийдан унча катта бўлмаган эҳром (баландлиги масалан 3,5 метр) қуриш сўнгра уни қирқилган қоғозлар билан тўлдиришни таклиф этади. Қуёш ботганидан кейин ҳарорат пасайгач эҳромнинг эшиклари очиб қўйилади ва қоғозлар ҳаво таркибида бўлган намликни ўзига фаол сўриб олади.

Эрталаб эшиклар берикитилади ва чиққан қуёш эҳромни целсий бўйича деярли 100 ҳароратгача қиздиради. Қоғоз сўриб олган намлик буғланади ва юқорига кўтарилади, бу ерда у совутилиб сувга айлантирилади. Сув қувурлар орқали идишга оқизилади, агар лозим бўлса, тозаланади.

Шундай йўл билан қанча сув тўплаш мумкин. Кашфиёт ихтирочисининг таъкидлашича, баландлиги 3,5 метр бўлган эҳром кунига ҳаводан 200-300 литр сув ишлаб чиқариши мумкин. Бу оддий иншоотни турли катталиклар ва хажмда қуриш мумкин. Агар унинг баландлиги 20 метр бўлса у бир кечакундузда 65000 литргача сув етказиб беришга қодир бўлади.

Қурилманинг унумдорлиги ҳавонинг намлик даражасига боғлиқ. Юқоридаги маълумотлар намликнинг 75 фоизлигига асосланган, бу хол эса ичимлик сув муаммоси кўндаланг бўлиб турадиган кўпгина минтақалар учун хосдир. Эҳромлар бутун-бутун қўрғонларни сув билан таъминлаши мумкин. Таннархи эса арзонга тушади.

## ОТ ОДАТИ

ОДАТДА отлар бир-бирларининг бўйинларини қашлайди. Австриялик икки биолог олим шу ходисани татқиқот қилишга бел боғладилар. Бунинг учун жониворларда кузатишлар олиб боришди. Маълум бўлишича, отлар бир-бирларини бўйинларининг фақат бир жойини қашлар эканлар. Тери устида ёпишиб ётган зараркунандаларни йўқотиш учунгина шундай қилмас эканлар.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, бўйиннинг маълум жойини қашлаганда (буни қўл билан қилиб кўришга тўғри келди) юракнинг қисилиш тебраниши ўртача 12 фоиз қисқарган. Афтидан отлар бир-бирини қашлайдиган бўйин қисмида уларнинг юрак фаолиятини тартибга солувчи йирик асаб тугуни бор бўлса керак.

***Об-ҳаво***

### ҲАРОРАТ КЎТАРИЛАДИ

13-17 август кунлари Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ҳаво очиқ келади. Ушбу беш кунликнинг дастлабки уч кунида кечалари 14-19, кундуз кунлари 32-37 даража иссиқ бўлади. Сўнгги икки кунликда ҳаво тафти яна кўтарилиб, кечалари 17-22, кундуз кунлари 35-40 даражага етади.

# ЁРҚИН ЮЛДУЗЛАР АСЛО СЎНМАЙДИ

## *Вилоятимизда ўтган футбол ҳафталиги «Пахтакор»-79 хотира турнири билан поёнига етди*

***1979 йил 11 август. Минск шаҳрига навбатдаги учрашувга йўл олган «Пахтакор» футбол жамоасининг 17 ўғлони Днепропетровск осмонида авиация фалокати туфайли халок бўлди. Бу нохуш хабар нафақат минг-минглаб футбол мухлисларини, балки Ўзбекистоннинг барча меҳнат аҳлини чуқур қайғу, истиробли ларзага солди. Йиллар ўтар, дард узоқлашар деганлари бекор экан. Мана ўша машъум фожиага ҳам 18 йил бўлди.***

Ўзбек футболи шуҳратини ёйишда жонларини фидо қилган 17 ўғлон — Идгай Тазетдинов, Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Олим Аширов, Равил Агишев, Александр Баканов, Юрий Загуменних, Александр Корчёнов, Николай Куликов, Владимир Макаров, Сергей Покатилов, Виктор Чуркин, Шуҳрат Эшбўтаев, Владимир Собиров, Сирожиддин Бозоров, Мансур Толибжонов, Владимир Чумаковлар бугун орамизда йўқ. Лекин уларнинг руҳи футболимиз йўлини ёритиб тургандай, ёшларга ҳар доим намуна ва ўрнак бўлгандай. Пахтакорчилардек бўлишни орзу қилган ва ўйингоҳда учрашув пайтларда майдон четига чиқиб кетган тўпни олиб бериб, дастёрлик қилиб юрган болакайлар бугун етакчи жамоаларда тўп суришмоқда. Собиқ пахтакорчиларнинг хотирасини абадийлаштириш ниятида улар ўқиган мактабларга, яшаган кўчаларга номлари қўйилган. Ўша мудҳиш воқеа содир бўлгандан буён ҳар йили август ойида Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, республика футбол федерацияси кенг жамоатчилик кўмагида «Пахтакор» хотира турнирини ўтказиб келмоқда. Унда нафақат ҳалок бўлган пахтакорчилар хотирасини эслаш, балки болалар ва ўсмирлар ўртасида футболга меҳр, жонларини фидо қилган акаларидек, мард ва фидойи бўлиш фазилатларини ҳам камол топтиришга эътиборни кучайтирмоқдалар.

4 август куни вилоятимизнинг деярли барча шаҳар ва туманларида болалар, ўсмирлар, ёшлар, катталар ҳамда фахрийлар футбол майдонларига чиқдилар. Фақат 13-14 ёшли болалар ва 15-16 ёшли ўсмирларнинг финал беллашувларида 40 дан зиёд терма жамоа бош совриндан учун даъвогарлик қилди. Вилоят ҳокимлиги совринни учун болалар баҳсида Олмалиқ футболчиларини мағлуб этган Янгийўл шаҳар жамоаси мукофотни қўлга киритишди. 15-16 ёшли ўсмирлар беллашувида Олмалиқ ва Қуйичирчиқ футболчилари баҳси 1:1 ҳисобида тугади. 11 метрлик жарима тўплари тепишда омад Қуйичирчиқликларга қулиб боқди ва улар бош соврин эгаси бўлишди.

1997 йил 11 август. Ҳалок бўлган собиқ пахтакорчиларнинг ота-оналари, рафиқалари, яқинлари, футбол мутахассислари, спорт журналистлари хотира кунини «Пахтакор» ўйингоҳидаги ёдгорлик ва Боткин қабристонини зиёрат қилиш билан бошладилар. 17 ўғлон хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ва рамзий қабрлар пойига гуллар қўйилди.

Собиқ пахтакорчилар оила аъзолари Тошкент вилоят ҳокимлигида қабулда бўлдилар. Ҳоким ўринбосари Б. Ҳосилов Ўзбекистон спортида ёрқин из қолдирган мард йигитлар хотирасини эсга олиб уларнинг оилаларига эсдалик совғалари топширди.

Хотира турнири иштирокчилари Бордонкўл қишлоғидаги Гайбўрон қабристонидаги Олим Аширов, Аҳмад Яссавий жамоа хўжалигидаги Михаил Ан қабрларини ҳам зиёрат этдилар. Сўнгра Владимир Фёдоров туғилиб ўсган Ўртасарой қишлоғи томон йўл олдилар. У ерда қатнашчиларни катта шоду ҳуррамлик, карнай-сурнай, нон-туз билан кутиб олишди. Туман ҳокими муовини Х. Норқулов байрам қатнашчиларини қутлаб, туман ҳокимлиги Владимир Фёдоров туғилиб ўсган кўчани унинг номи билан аталиши ҳақида қарор қабул қилганлигини айтиб, Фёдоровлар оиласига гилам ҳадя этди. Футболчининг онаси Мария Ивановна ва отаси Иван Васильевич меҳмонларни очиқ чеҳра билан уйларига, бир пиёла чойга таклиф этдилар. Володянинг ўқитувчиси Нина Васильевна Стришкова ҳамда тенгдошларининг хотиралари марҳумнинг сиймосини ёдга солди.

— Владимир билан болалигим бирга ўтган, бирга тўп тепганман, — деб хотирлайди Мирсидиқ Сайфуддинов, — у тиришқоқлиги, чайрлиги ва тезкорлиги билан ҳаммамизнинг ҳавасимизни келтирарди. Халқаро мусобақаларда қатнашган учта спорт формасини менга эсдалик сифатида ҳадя этган. Уни бебаҳо бойлик сифатида сақлаб келаяпман. Ўғилларим Толибжон билан Тоҳир футбол ўйнайди. Гоҳо-гоҳо Володиянинг формасини беринг деб қолишади. Бермайман, чунки у менга навқирон ёшлигимизни, дўстлигимизни эслатиб туради...

Хотира турнирининг финал беллашуви бошланиши олдидан ўйингоҳ осмонида Ан-2 самолёти пайдо бўлди. У гўё томошабинлар билан саломлашгандай ўйингоҳни бир айланиб учди-да, сўнг баландроқ парвоз қилди. Республика аэроклуби мураббийси Рашид Азизбеков раҳбарлигида само шунқорлари Виктор Чуприн, Марат Косин, Юлия Богданова, Тамара Буракова ва бошқалар парашютда ўйингоҳга аста тушганларида юракларга ҳам қувонч, ҳам қайғу солдилар. Гўё самодан 17 ўғлон тушиб, яшил майдонни соғингандай, ўзларининг такрорланмас ўйинлари билан мухлисларни хушнуд этишга ошиққандай туюлди.

Ниҳоят майдонга «Пахтакор» жамоаси фахрийлари ва Тошкент вилояти фахрийлари чиқишди. Мухлислар уларни шод кутиб олдилар. Вилгельм Қаххоров, Виталий Суюнов, Улуғбек Қориёқубов, Ёдгор Саъдиев, Вячеслав Солохо, Лаврентий Илуридзе, Евгений Казаков, Равшан Юнусов, Аҳмад Убайдуллаев, Низом Нортожиев, Гали Имомов, Фарҳод Магометов, Владимир Штернларни мухлислар дархол танидилар. Сочлари оқарган, бироқ қаддилари тетик 50-60 ёшдаги бу футболчиларнинг ёшлардек ғайратидан завқландилар. Қизиқарли ўтган якунловчи баҳс 2:1 ҳисобида пахтакорчилар фойдасига тугади. Тўпларни Аҳмад Убайдуллаев (иккита) ва Юсуф Шодиметовлар киритишди.

Вилоятимизда ўтган футбол ҳафталигининг якунловчи босқичида Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Б. Махситов, Республика футбол федерацияси бош котиби З. Қурбоновлар иштирок этишди, собиқ пахтакорчиларнинг оила аъзоларига ҳамда ғолибларга эсдалик совғалари топширишди. Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг қимматбаҳо совғаси ғолиб «Пахтакор» жамоаси фахрийларига топширилди.

Футбол байрами қатнашчиларда ва мухлисларда катта таассурот қолдирди.

***Шарофиддин УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

***СУРАТЛАРДА: Футбол ҳафталиги ва «Пахтакор-79» хотира турниридан лавҳалар.***

***Владимир ГРАНКИН суратлари.***

Акмал Икромов туманидаги **«Тикувчилик—Усто»** хусусий фирмасининг йўқолган думалоқ муҳри ва бурчак штампи **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Ҳокими ижроия маҳкамаси Матбуот бошқармаси ва Зангиота туман босмахонаси меҳнат жамоалари Зангиота туман босмахонаси бош ҳисобчиси Гулайхон Туримбетовага акаси **Карим ИСОҚОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0509. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Алёна ПОРОШКИНА. Адади 9.601 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6